

БУНКЕРЛАРДАН 200.000 ТОННА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТУЛАЯКДИЛИК

СОВЕТ РАХБАРЛАРИНИНГ ГДР ПАРТИЯ-ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН МУЗОКАРАЛАРИ

6 октябрда Кремлда совет раҳбарлари билан Германия Демократик Республикаси партия-давлат делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокарада совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети хузуридаги давлат хавфсизлик комитетининг раиси Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС

Марказий Комитети аъзолари — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Бош секретариининг ўринбосари К. В. Русаков, СССРнинг ГДРдаги элчиси П. А. Абрамов;

ГДР томонидан — Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Хонеккер, ГДР Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, ГДР Давлат Кенгаши Раиси В. Штоф, ГДР Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Совети Раиси Х. Зиндерман, ГДР Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, ГДР Марказий Комитети секретари Г. Грюнеберг, ГДР Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, ГДР Марказий Комитети секретари К. Хагер, ГДР Марказий Комитети Сийёсий бюроси-

нинг аъзоси, ГДР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Г. Миттаг, ГДР Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси, ГДР Давлат хавфсизлик министри Э. Мильке, Германия либерал демократик партиясининг Раиси, ГДР Давлат Кенгаши раисининг ўринбосари М. Герлах, Германия демократик деҳқонлар партиясининг Раиси, ГДР Халқ Палатаси Президиумининг аъзоси Э. Гольденбуш, христиан демократик иттифоқи Раиси, ГДР Халқ Палатасининг президенти, ГДР Давлат Кенгаши раисининг ўринбосари Г. Геттинг, Германия миллий демократик партиясининг Раиси, ГДР Давлат Кенгаши раисининг ўринбосари Г. Хомаи, ГДР Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР Ташқи ишлар министри О. Фишер, ГДР Марказий Комитети аъзоси, ГДР Давлат Кенгаши аъзоси П. Штраус, ГДРнинг СССРдаги элчиси

Г. Отт иштирок этидилар. Тўғридан-тўғри совет иттифоқида ва ГДРда коммунистик ва социалистик қурилиш вазифаларининг қандай бажарилаётганини тўғрисида, КПСС XXV съезди ва ГДРнинг IX съездида тайёргарлик тўғрисида қардошларча дўстлик, самимият ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида бир-бирларига ахборот бердилар. Совет Иттифоқи билан ГДР раҳбарлари СССР билан ГДР ўртасида ҳар тарафлама муносабатларнинг мустақамлашга қара-тилган ҳаракатлари учун янги босқични бошлаб берди, деган фикрини айтиш билан билдир-дилар. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқаро кес- ниятини юмшатишга муваффақ- тус бериш ва иқтисодий тузумла- рини турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув янаша принциплари не- гизда халқаро муносабатларни қайта қуриш мақсадида жаҳонда сийёсий вазиятни соғломлаштири- ша қаратилган бирлигида олиб бораётган ташқи сийёсий тобора кўн ижобий таъсир кўрсатяётган- лиги қайд қилиб ўтилди.

Марксизм-ленинизм принципла- ри ва пролетар интернационализ- ми негизда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида бирлик ва жиҳсий эзрур эътиборига му- зокаралар давомида алоҳида эъти- бор берилди.

Музокама қилинган барча ма- салалар юзасидан томонларнинг таъминоти бир фикрда ва бир по- зицияда эканлиги таъкидланди.

ДОНГДОР механизатор Тур- сун Охунова бошчилик қила- ётган бригада йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари шараф билан бажарди. Шу кунларда бригадада пахта териш ва тайёрлаш қизғин да- вом эттирилмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсун Охунованинг ўзи мавсумда 400 тонна «оқ олтин» териб беркип тўғрисидаги мажбуриятини ба- жарिश мақсадида суръатта- суръат қўшиб меҳнат қилаётир. Суратларда: Т. Охунова ва бригадасининг умумий кўриниши.

А. Абалам фотоси.



ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

КПСС XXV съездининг катта, меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун курашаётган Қуйи Чирчиқ район деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик халқ ҳу- жалик планини 17 иш кунда — 7 октябрда бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Давлат хирмонларига 37 миң тоннадан ортиқ пахта топпи- рилди. Ҳар гектар ердан шу кунгача 31,4 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Пахта- нинг 93 процентини машиналарда терилди. Бу соҳадаги план 105 процент адо этилди.

Районда бундай катта ютуқ- ни қисқа муддатда қўлга кирит- тилда пахта тайёрлаш йиллик планини ўн иш кунда бажар- ган «Москва», «Ленинград» колхозлари, Волков номли сов- хоз, планни 15 иш кунда ша- раф билан урдалаган «Ўзбе- кистон ССР беш йиллиги» сов- хоз, Ленин номли, «Заря коммунизма» колхозлари ўла-

нинг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

«Ўзбекистон ССР беш йил- лиги» совхозидан СССР Олий Советининг депутаты, Соци- алистик Меҳнат Қаҳрамони Эн- вер Алиев, «Коммунизм» сов- хозидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, уста ме- ханизатор Турди Қосимова, «Ленинград» колхозидан Мади- ра Шарипов, «Заря коммуниз- ма» колхозидан Алижон Нур- охунов ўртоқлар ҳозиргача 160—180 тоннадан пахта тер- дилар.

Шунингдек, районда лизла, мева, сабзавот, полиз экинла- ри маҳсулоти тайёрлаш, туҳум, гўшт етказиб бериш йиллик планлари ҳам шараф билан адо этилди.

Қуйи Чирчиқликлар она-Ва- танга 52 миң тонна пахта ет- казиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун ас- тойдил ҳаракат қилишлар.

430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 7 ОКТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ ҳужалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топирилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Қуйи Чирчиқ	4,53	96,76	4,66	104,79
Юкори Чирчиқ	6,04	91,83	6,56	101,11
Янги-Юл	3,28	73,59	4,71	49,59
Оқдўғрон	3,61	68,78	3,59	66,49
Ўрта Чирчиқ	3,05	67,70	3,78	74,48
Бекобод	3,67	65,79	4,57	61,19
Бўка	3,73	65,46	3,61	59,96
Пискент	3,09	65,12	3,19	59,73
Чиноз	4,00	59,28	4,34	48,41
Область бўйича:	3,73	71,27	4,18	70,33

СССР БИЛАН ГДР ЎРТАСИДА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

7 октябрда Кремлда Совет Со- циалистик Республикалари Итти- фоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ердан тўғри- садаги шартнома имзоланди.

Шартнома: Совет Социалистик Республика- лари Иттифоқи номидан — КПСС Марказий Комитети Бош секре- тари Л. И. Брежнев;

Германия Демократик Респу- бликаси номидан — ГДР Мар- казий Комитети Биринчи секретари Эрих Хонеккер имзоландилар.

Шартнома имзоланган чоғида қуйидагилар ҳозир бўлишлар:

Совет томонидан ўртоқ Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, П. Н. Дементев, В. Н. Пономарев, М. С. Соломен- цев, В. И. Долгих, И. В. Капито- нов, К. Ф. Катушев, шунингдек СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари, СССР министр- лари, КПСС Марказий Комитети- нинг масъул ходимлари, бошқа расмий кишилар;

ГДР томонидан — ГДР Мар- казий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси, ГДР Давлат Кенгаши Раиси Вилли Штоф, ГДР Мар- казий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси, ГДР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Гюнтер Миттаг, ГДР Марказий Комите- ти Сийёсий бюроси аъзоси, ГДР партия давлат делегациясининг бош- қа аъзолари;

Шартнома имзолангандан ке- чин ўртоқ Э. Хонеккер ГДР пар- тия давлат делегацияси номидан КПСС Марказий Комитетига буюртмадан асалган «Қизил Ок- тябрь» скульптурасини тақдим қилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев шу эсдалик туҳфа учун самийи ми- натдорчилик билдирди.

(ТАСС).

ҚАРДОШЛАРЧА САМИМИЙ ВАЗИЯТДА КРЕМЛДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати 6 октябрда Катта Кремль саройида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Эрих Хонеккер бошчи- лигидаги Германия Демократик Республикасининг партия-давлат делегациясини шарафига қабул маро- сими ўтказилар.

Қабул маросимида Э. Хонеккер, В. Штоф, Х. Зиндерман ўртоқлар, ГДР партия-давлат делегацияси- нинг бошқа аъзолари ҳозир бўлид- лар.

Совет томонидан қабул мароси- мида Л. И. Брежнев, Ю. В. Ан- дропов, В. В. Гришин, А. А. Гро- мико, А. Н. Косигин, Ф. Д. Ку- лаков, А. Я. Пельше, Н. В. Под- горний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, П. Н. Дементев, В. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, бошқа расмий кишилар бор эди.

СССРдаги дипломатия ваколат- хоналарининг бошлиқлари ҳам ҳо- зир бўлишлар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Бреж- нев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Хонеккер!

Азиз ўртоқлар!

Совет пойтахтида азиз меҳмон- ларимиз ва сафдошларимизни — ўртоқ Хонеккер, сизни, Штоф, Зи- ндерман, Хагер, Миттаг, Грюнеберг, Мильке, Фишер ўртоқларини, ГДР- даги демократик партияларнинг раҳбарларини Геттинг, Герлах, Хомаи, Гольденбуш ўртоқларини партияимиз билан давлатимизнинг раҳбарлари номидан эър мамну- ният билан табриклайман.

Совет кишилари ГДР партия- давлат делегациясига чин қўнғил- дан: Хуш келибсизлар! — дейдилар.

Сизларнинг визитингиз шонли кунларда ўтмоқда. Немислар див- рида биринчи ишчи-деҳқонлар дав- лати барпо этилган кунга эргата 26 йил бўлди. Биз шу шонли юбилей билан сиз, азиз ўртоқлар, нишансиз табрикларга муяссар эканлигимиз билан бахтиримиз.

Совет халқидан Германия Де- моқратик Республикасининг барча граждандарига қизғин салом!

КПСС Марказий Комитетини бил- дан Совет ҳукумати немис дўст- лар билан янги уршавуга катта аҳамият бермоқдалар. Бу уршаву мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар

томонлама алоқаларни янада ке- нгайтиришнинг конкрет масалала- рини муҳомама қилиш. Халқаро проблемалар ҳусусида фикрлашиб олиш иккунини беради. Бу иш шу бўғуноқ бошланди, бугун бўлиб ўтган музокаралар фикрларимиз ва ниятларимиз таъминотида бир эканлигини яна тасдиқлади.

ГДР партия-давлат делегацияси- нинг Совет Иттифоқида қилган ҳо- зирги визитига алоҳида аҳамият бахш этувчи сабаблар бор. Мам- лакаатларимизнинг кейинги йиллар- даги ривож, уларнинг ҳамкорли- ги даражаси бекиб ўсганлиги, халқаро вазиятдаги катта ўзгариш- лар — шуларнинг ҳаммаси шарт- номанинг муносабатларини янгилаб олишга, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ердан тўғрисида янги шарт- нома тузишга бизни ундамоқда.

(Давоми 3-бетда).

ВАТАНИМИЗ ФАНИНИНГ ИФТИХОРИ

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 250 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

СССР Фанлар Академиясининг 250 йиллик юбилей байрами со- вет фани ютуқларининг умумхалқ кўрини бўлди. Бу юбилей Совет- лар мамлакатини олимларининг юк- сан активлигини, уларнинг КПСС билан бўлиб ўтган бирлигини, ком- мунистик қурилиш улутвор про- граммасини амалга ошириш учун қизғин иштилоини намоиш қил- ди.

Совет фани СССРда социализм қуриш ишига, юксак даражада тараққий толган социалистик эко- номикани, мамлакат муҳофаа қуд- ратини вужудга келтиришга, ме- хнаткашлар фаровонлигини оши- ришга, маориф ва маданиятни ривожлантиришга, тинчликни мус- таҳкамлаш ва халқлар ўртасида

дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

7 октябр кунин Кремлдаги Съездлар саройида СССР Фанлар академиясининг 250 йиллик юби- лейига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Академиянинг юби- лей сессиясида СССР Фанлар ака- демиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолар, Москва меҳнат- кашлари, партия, совет, жамоат таъкилотларининг вакиллари, рес- публика ва соҳа фанлар акаде- мияларининг олимлари, чет эл- лик олимлар қатнашдилар.

Ингиллиз аҳли Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов,

П. Н. Дементев, В. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов ўртоқларини ўринларидан туриб, тулдурас қарсақлар билан кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Президи- ум раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари, СССР Фанлар академияси Президиумининг аъзолари, танқили совет олимла- ри, жамоат арбоблари, пойтахт- даги ишлаб чиқариш илгорлари, партия ва совет таъкилотлари- нинг вакиллари, социалистик мам- лакаатлар делегацияларининг бош- лиқлари президиумда улар билан бўлишлар.

СССР Фанлар академиясини прези- дентини вазифасини ижро этувчи академик В. А. Котельников СССР Фанлар академиясининг таътанали юбилей сессиясини оч- ди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга сўз берилди. Тантанали мажлис қатнашчилари Л. И. Брежневни узоқ давом эт- ган қизғин қарсақлар билан кутиб оладилар. Ҳамма ўриндан туради.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар! Хурматли чет эллик меҳмонлар! Мамлакатимизнинг Фанлар ака- демияси 250 ёшга тўлди. Бутун совет халқи бу юбилейни миллий маданиятнинг катта байрами си- фатида, совет фани ютуқларининг умумхалқ кўрини сифатида ни- шонамоқда.

Фанлар академиясининг юби- лейи мамлакатимизда умумхалқ аҳамиятига эга бўлган воқеа деб ҳисобланмоқда. Бунинг сабаби шу- ки, биринчидан, маориф ва фан- га мамлакатимизда эър хурмат ва меҳр-муҳаббат билан қараш

(Давоми 2-бетда)

атрофи орбитаси бўйлаб би-
ничи бор учди ва биринчи марта
икк космик фазога чиқди. Кос-
мос автоматлар ёрдамида Ой ва
бир планеталарни тадқиқ этишда
да муҳим қадамлар қўйилди.
(Давоми 3-бетда).

САЛХИТ-ЭРДЭНЭТ
ПҮЛАТ МАГИСТРАЛИ

УЛАН-БАТОР. Совет ва жонгол курувчилари энс-молбил-дес қонн тегизда қон-саралаш комбинати ва унинг ёнида янги социалистик шаҳар қуришмоқда. Эрденэт деб аталган бу жойга биринчи поезд етиб келди. Унда қурилиш материаллари, машина ва асбоб-ускуналар келтирилди.

Салхит-Эрденэт янги пүлат магистрალი бўйлаб поездлар қатнай бошлаганини Монголиянинг энг катта ана шу қурилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Меҳнатдаги шу катта галаба муносабати билан ўтказилган тантанали йиғинда Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари Д. Молоджем нутқ сўзлади. (ТАСС).

Дунё хабарлари

ЛУИС КОРВАЛАН ОЗОД ҚИЛИНСИН

НЬО-ЙОРК. АҚШ Компартиясининг Марказий Комитети баёнот эълон қилиб, хунтанинг Чили халқ бирлиги танқиди арбобларидан ўч олишга ҳозирлик қилаётганини қоралади.

АҚШ Компартиясининг Марказий Комитети ўз баёнотининг охирида: «Л. Корвалан ва Чилидаги бошқа сиёсий маҳбуслар озод этилсин!» деб талаб қилди. ПАРИЖ. Франциядаги бир гуруҳ сўл сиёсий партиялар билан энг катта жасаб союзи бирлашмалари БМТ Бош секретарига му-

рожаат қилиб, Луис Корвалани ва унинг ўроқларини омон сақлаб қолш ва уларни дарҳол озод этилишига эришиш учун бу ишга шовилни равишда эр-лешини қақирди.

МЕХИКО. Бу ерда Мексика демократик ёшлар ташкилотларининг жаҳондаги тараққийпарвар кучларга хитобномаси тарқатилди. Хитобнома Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалани озодликка чиқариш учун курашишга қақирди. (ТАСС).

СЪЕЗДГА ЭНГ
ЯХШИЛАР САЙЛАНАДИ

ВАРШАВА. Халқ Польшаси партия ташкилотлари турмушида касъулиятли давр бошланди — Польша Бирлашган ишчи партиясининг шу йил декабрда ўтказиладиган VII съездида делегатлар сайлашга киришди. Катта-катта саноат корхоналарида, қурилишларда, транспорт системасида: «Яхшиларнинг яхшиларига съезд мандатлари берилади» деган шир остида ўтаётган партия конференцияларидан делегатлар сайланмоқда.

ЖАҲОН НОРОЗИЛИК
БИЛДИРМОҚДА

◆ СОФИЯ. Болгария Касаба союзлари Марказий Советининг баёнотида бундай дейлади: испан антифашистларнинг вахшиларча отиб ташланганини тўғрисидаги хабарни эшитиб, Болгария касаба союзлари, ишчилар сини ва барча меҳнатқиллар даражаб бўлиди. Болгария касаба союзлари, деб таъкидланади баёнотда, испан демократларини тақиб этиш тўхта-тилишини, барча прогрессив сиёсий ва касаба союзи арбоблари турмалардан бешатилишини қатъий талаб қилади.

◆ ХЕЛСИНКИ. Финляндия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми махсус баёнот билан фин меҳнатқилларига, мамлакатнинг барча демократик кучларига мурожаат қилиб, уларни Испаниядаги фашист режимини кескин қоралашга қақирди.

◆ НЬО-ЙОРК. Бу ерда Испаниянинг «Иберия» авиакомпанияси ваколатхонаси бизнес олдиде испан ватанпарварларининг қатл қилинганлиги муносабати билан норозилик намоиши бўлиб ўтди.

◆ ВЕНА. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашчилари халқаро федерацияси Испаниядаги террорга қарши кескин норозилик билдирди.

◆ РИМ. Италия парламентидаги коммунист депутатлар Франкнинг фашист режимини қоралаш ва унинг яккабў қўлиш юлида дипломатик ва сиёсий қораларни қулайтиришни, Испаниядаги демократик кучларнинг курашини актив қўллаб-қувватлашни талаб қилди. (ТАСС).

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

БАЙРУТ, 6 октябрь. ТАСС мухбири А. Урозов хабар беради:

Ливанда аҳвол турғунлашмоқда. Ички ҳарфсизлик кучлари пойтахтдаги аҳволни таъминла нозорат қилиб турибди. Кейинги кунлар Байрутда ўт очини тўхтатиш тўғрисидаги битимни бузиш ҳолати бўлгани йўқ.

Мамлакатда айрон бўлган бинолар, корхоналар ва мағанилар тиклана бошланди. Матбуотнинг хабар беришича, қуролли туқнашувлар натижасида Ливан эконоимаси оғир талафот берган. Бу зарар 13 миллиард Ливан фунтига боради, деб қамалмоқда. Шу йилги қуролли туқнашувлар чоғида 3 мингдан ошқ киши ўлдирилган, 10 мингга яқин киши жароҳатланган.

Ҳозирги вақтда сарфланаётган қурол-йарағатлар натижасида Ливанда иқтимоий-сиёсий структура умумий кризисини ҳал этиш тенденцияси ўсмоқда. Мамлакатдаги сиёсий ва диний арбобларнинг кўпчилиги ислохот ўтказилиши зарур деб ҳисоблашади. Бундай ислохот мамлакатнинг сиёсий ҳаётида аҳолининг турли гуруҳларидан қатнашувчи вақиллар янада демократик асосда сайланишини таъминлаган бўлур эди. Прогрессив ва ватанпарвар партиялар блоки 1975 йилда Ливанин ларзага келтирган қонли воқеалар нелажада тақдорланмаслиги учун сиёсий ислохот ўтказилсин, деган талабларни қатъий қўллаб-қувватламоқда.



ШВЕИЦАРИЯ. Женеванинг юзлаб аҳолиси Испаниядаги сиёсий террорга қарши норозилик намоишида қатнашди. Улар испан ватанпарварларининг Франко фашистлари томонидан қатл қилинганлигини кескин қораладилар. Суратда: полиция қисмлари намоишчиларни тарқатиб юбормоқда. АП—ТАСС телефотоси.

◆ ЎЗБЕКИСТОН халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини пилор тажриба мактаби деб ҳам аташади. Бу ерда республикамиз меҳнатқиллари қўлга киритаётган муваффақиятлар ўзифодасини тоғди.

Яқинда халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида янги экспозиция ташкил этилди. Республикамиз меҳнатқиллари, ишчи ва аёллари туқизинчи беш йилликда эришган ютуқлар янги экспозициядан ўрин олганди. Тоғонабиллар бу ерга қўйилган экспонатлардан республика саноатининг улкан олимлари, фан ва техника соҳаларида қўлга киритилган самаралар, деҳқонларимизнинг фидонорона меҳнати ҳақида муфассал маълумот оладилар.

Суратларда: янги экспозиция залларида. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ҚАДИМГИ АРХИВ

Парфияликлар давлатининг пойтахти — Нисани қазинида қизик-қизик материаллар топилиди. Ниса вазироналари Ашхобод яқинидаги Бағор қишлоғи ёнидадир. Археологлар вино омборларидан 2 мингдан ортиқ сопол парчаларини топилиди. Синган хум бўлакларида унча маълум бўлмаган парфияликлар тилида қора буюк билан турли битиклар қилинган.

Ленинградлик олимлар маъносини очган шу ҳисоб-китоб ҳужжатлари бундан 2 минг йил аввал Копетдоғнинг шимолий этақларида яшаган парфияликлар давлати тўғрисида кўп нарсаларни ҳикоя қилди.

Хум синигидаги ёзувлардан бирида, масалан, қадим замонларда Нисани парфияликлар шоҳи

Митридат I шарафига Митридатокер қалъаси деб аташган.

Олимлар шу ҳужжатлардан бошқа кўп қизик-қизик маълумотларини — жойлар ва тоқзорларнинг номларини, қадимги шаҳардан мансабдор кишиларнинг унвонлари, номларини билиб олдилар, парфияликларнинг календарини — ойлар, кунларнинг номлари билан таниқилдилар.

Ҳозир бир гуруҳ олимлар қадимги Ниса архивининг илмий материалларини босишга тайёрладилар.

Н. ЧУНАКОВА.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама
ВА Эълонлар

ТЕЛЪМАН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА
ИСТИРОҲАТ БОГИДА

ҲАР КУНИ СОАТ 13.00 ДАН БОШЛАБ

ШАҲНА КУНЛАРИ — 12.00, ЯҚШАҲНА КУНЛАРИ — 10.00 ДАН БОШЛАБ ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ «ОПМОМА-ПАРК» КОМПЛЕКСИ АТТРАКЦИОНЛАРИ ИШЛАЙДИ.

КОМПЛЕКСДА: кегельбонлар, отиш тирлари, тасодифлар хонаси, сирпанчик, тепаличлари, кўнгирикчи йўл, автодром, носмодром, занжирли аргинчоқ, болалар твистер, аргинчоқ, темир йўл, твистер аттракционлари бор.

Дам олиш кунини — душанба.

«ОЙМОМА-ПАРК» КОМПЛЕКСИ АТТРАКЦИОНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНИ!

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мушаррафий. 18.45 — Қизилар-ли урчушувлар. 19.20 — «Ахборот». 19.35 — Концерт. 19.55 — Ёзувчилар пактаворлар хузури. 20.10 — КПСС XXV съездида меҳнат рапортлари. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Пахтанин янги навлари — ҳаётга. 21.30 — Халлардан қўшиқларга. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қора қардон (телеспектаклнинг I-қисми). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ҳузур кўрсатуви. 13.00 — «Кичиктош» программаси. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда кўбш акси бор. 20.00 — Ҳузурлар учун музикали началар. 22.00 — Хужжатли фильмлар. 22.30 — Винторина. 23.15 — Концерт. 23.35 — Спортлото. 23.45 — Янгиликлар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.35 — ТОШКЕНТ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА — 8\X да Оқшомдан тушгача, 9, 10\X да Қурмайин босдим тинчони.

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8\X да Замонали ва Омонали, 9\X да Тоғ гузали, 10\X да Тошболта ошди.

«ШАПИТО» ЦИРКИДА — МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.00).

ҚИШКИ БИНОДА

Оддий муҳаббат — САҲЪАТ САРОНИ. «ЧАЙКА». «ВОСТОК». «МОСВИА». «ПУКУС» (кундуз ва кечкурун).

Сўғити ўч. Қопқон — «КОЗО-ГИСТОН» (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 21.00). «ДРУЖБА» (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00). «КОМОЛО 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОНИ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун). «Флагман фронт» — «ЎЗБЕКСТОН» (кундуз ва кечкурун).

Спорт

ЭНГ КУЧЛИЛАР
КУБОГИ КИЕВДА

Украина пойтахтининг футболчилари яна бир улкан муваффақиятга эришдилар. Улар Европа футбол уюшмасининг «Энг кучлилар соҳирини» учун бўлган курашда машҳур «Барселона» (Мюнхен) командасини мағлубиятга учратдилар.

Ҳар талидек бу учрашувда ҳам киевликларнинг ҳужумчиси Олег Блохин ўзининг маҳоратини намоиш қилди. У Мюнхенда бўлган биринчи учрашувда ҳам аjoyиб тўп киритиб, «Динамо» командасининг галабасини таъминлаган эди. Киевдаги матчда О. Блохин жаҳоннинг энг яхши дарвозабонларидан бири бўлган Майерни икки марта дарвоза тўридан тўпин олиб чиқишга мажбур қилди.

Гарбой Германия футболчилари ўз майдонларида мағлубиятга учраганликларига қарамай Киевга жиддий ийит билан келганликларини кўрсатдилар. Лекин кейинги пайтда Европанин энг кучли коллективлари сафидан ўрин олган динамовчилар рақибга ўйин бермадилар.

Ҳозир «Динамо» си ҳозир Европанин сўзсиз энг кучли командаларидан ҳисобланади. Унинг ҳужумчиси Олег Блохинга оса тенг келадиган ҳужумчининг тоғизини қийиндир.

ИККИ ТУР
ҚОЛГАНДА

Шаҳримиздаги Митрофанов номи суи спорт саройида сув полдоси бўйича мамлакат чемпионатига кураш тобора қизиб бормоқда. Маррага икки тур қолганда Тошкентнинг «Меҳнат» ватерполчилари сапозсичко билан олтинчи ўринни иш-гоз қилиб туришди. Улар навбатдаги учрашуларни пешнадалардан ҳисоблаган Москва Давлат университетини спортчилари ҳамда Львовнинг «Динамо» командаси ватерполчилари билан ўтказадилар.

Турнир жадвалида эса ҳарбий денгиз флотининг марказий спорт клуби командаси 17 та очко билан карвонбошлилик қилмоқда. Москва Давлат университетини ватерполчилари эса иккинчи ўринда боришмоқда. Улар 14 та очко тушлаган.

ХОТИН-ҚИЗЛАР
ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ

Чорвоқ ГЭСи қурувчиларининг маданият саройи йилига гавжум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг 60 йиллиги бағишланган йилгиш бўлиб ўтди.

Кечада Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номи тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Музаля Алаева, ТошДУ доцентларидан С. Назруллаева ва Н. Икромовалар сўзга чиқришди. Улар Халқаро хотин-қизлар йили, шоира Зулфиянинг йили ҳақида гапириб бердилар.

Бутунитифоқ «Билдим» жамияти правленисининг илмий секретари С. П. Филонов ва республика «Билдим» жамияти раисининг ўринбосари Қ. Фозилхўжаев хотин-қизларнинг жаҳонда тинчлик учун курашлари, тўғрисида сўзлаб бердилар.

ТУРАИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ОШПАЗ

ЭРТАЛАБДАНОҚ темир ўчоқда ўт қалаган ошпаз Янги тевасидан жиямайди. Гоҳ ўчоққа пайраха ташлаб, оловини баландлайди, гоҳ оловини тортиб ичкарига юради, даста-даста коса кўтариб чиқади. Стол-стуллари тартибга солади, ҳўрандаларини қутади.

Вақтга қарайди. Соат 10... Ош етилди, дам еди. Қанқирини қўлида моҳирона ўйнатиб, катта қозон қопқонини аста кўтаради. Дамлоглиқ палов устидан гуш этиб қуюқ буг кўтаради...

Ошпаз Янги шира олиб пишган паловхонтўрага қанқир урганда ошхона ҳўрандалар билан гавжум, касса олдида навбатга турганларнинг қатори чўзилиб қолганди...

Ошпаз Қобилжон Мухамедов халқ ёш, умидли пазандалардан. Совет Армияси сафидан қайтиб, Фрунзе район ошхоналар трестига қарашли 6-ошхонада ишлаб бошлаганига атиги тўрт йилгина бўлди. Лекин шу қисқа вақт ичида талабчан, ноқил дид ҳўрандалар ўртасида хўрмам ва эътибор қозонди.

Уя қўли ширин ошпаз, де-йишади. Бу — ҳар қандай пазанда учун катта шараф, муқофот. Еш ошпаз ана шу кик-сак шарафни оқлагига, қўсонли ҳўрандалар эъзозини қозонини, эл раҳматини олинга ҳаракат қилипти, изланяпти. Шунинг учун ҳам ҳўрандалар соки кундан-кун ортяти. Улар Қобилжон Мухамедов хизматидан жуда мамнун.

Еш пазанда Қ. Мухамедов ошпазлар малака ошиниш курсини битириш билан бирга яхши устоз ҳам қўрган. У қўлига биринчи бор қанқир тутказган устоз Жўра ошпаз Расуловдан беҳад миннатдор. Жўра ака элимига яхши танилган машҳур ошпазлар — Расуловлар сулоласида. Қобилжондаги пазандалиққа бўлган катта ҳавас ва ўқувин сезган устоз ошпазликнинг барча сирларини, бой билан ва тажрибасини шогирдга қўли билан ўргатди. Қобилжон ахшигина ошпаз бўлиб етишди. Устози ишончини оқлади.

Суратда: ёш ошпаз Қ. Мухамедов. А. Абалия фотоси.

